ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИ НАЗАРИЙ ТАВСИФЛАШ МУАММОЛАРИ

З.МАМАЖОНОВ

Автор статьи рассматривает проблемы теоретического описания фигур бади', указывает на основные причины различий, имеющих место в современных изданиях по классической поэтике.

This article was considered theoretical problems which description figure badi, showed the basic reasonable distinction which has points in modern publication in classical poetry.

Шўро замонидаги адабиётни мафкура хизматчиси сифатида тушуниш, таълим тизимида ундан ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш воситаси сифатида фойдаланиш амалиётига қарши ўлароқ, истиқлол йилларида уни аввало санъат ҳодисаси сифатида ўрганиш устуворлик касб эта бошлади. Айни пайтдан бошлаб ўтмиш адабий меросига "синфий ёндашув" талаби бекор бўлиб, бой адабий меросимизни тўла ҳажмда ўрганиш имконияти пайдо бўлди. Мазкур икки ҳолат табиий равишда мумтоз шеъриятимизнинг бетакрор жозибасини таъминлаган бадиий санъатларни ўрганишга қизиқиш ва эътиборни кучайтирди. Ўтган йиллар мобайнида узлуксиз таълим тизими ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларидан мумтоз поэтика масалалари анча кенг ва муқим ўрин эгаллади. Жумладан, умумтаълим мактабларининг адабиёт фани дастурларида қатор бадиий санъатларни ўрганиш кўзда тутилган бўлса, академик лицейларда ўқитиладиган "Адабиёт қоидалари" фани дастурида бадиий санъатлар салмоқли ўрин тутади. Олий таълимнинг ўзбек филологияси йўналиши талабаларига ўқитиладиган "Адабиётшунослик назарияси", "Мумтоз шеърият поэтикаси", "Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари" каби фанларда ҳам бадиий санъатлар масаласи ёритилади. Албатта, ушбу ҳол бадиий санъатларни ўқитиш ва ўрганишда кўмак берувчи қўлланмаларга эҳтиёж туғдириши табиий эди. Шунинг натижаси ўлароқ кейинги йилларда бир қатор қўлланмалар, махсус луғатлар, рисола ва мақолалар яратилди [2-6].

Ҳеч шубҳасиз, амалга оширилаётган кўламли ишлар эзгу мақсадни – ўқувчи оммани мумтоз шеъриятга яқинлаштириш, унинг жозибасини ҳис этиш ва ундан завқлана олишга ўргатиш мақсадини кўзлайди. Бироқ ҳар қандай катта ишда бўлганидек, бу борада амалга оширилаётган ишларда ҳам қатор камчиликлар кўзга ташланади. Табиийки, бу камчиликларни юзага келтирган омиллар турлича бўлиб, қуйида улардан айримларига тўхталамиз.

Энг аввал шуни айтиш керакки, ҳозирда бадиий санъатлар масаласида изланаётган мутахассис бирламчи манба сифатида таянадиган илми бадиъга оид манбаларнинг ўзида сезиларли фарқлар, турличаликлар бор. Бу нарса манбаларда айрим санъатларнинг номланишида ҳам, берилган таърифларда ҳам, уларни таснифлашда ҳам кузатилади. Шунинг учун, масалан, илми бадиъга оид қимматли манбалардан бири сифатида қадрланадиган "Бадойиъ-ус санойиъ" асарининг муаллифи Атоуллоҳ Ҳусайний кўп ҳолларда "**Киноя**. Ани баъзилар **ирдоф** ҳам дерлар", "**Ҳусн-и ибтидо**. Ани **ҳусн-и матлаъ** ҳам дерлар"[1.251], "**Ҳусн-и тахаллус**. Ани **бароат-и тахаллус** ҳам дерлар" [1.253] каби изоҳларни қайд этади. Агар келтирилган мисолларда манбаларда битта санъатнинг баъзан иккита ном билан юритилганига гувоҳ бўлсак, бошқа ўринларда битта санъатнинг уч-тўртталаб номи бўлганини кўришимиз мумкин: "**Ҳусн-и матлаб**. Ани **ҳусн-и талаб**, **бароат-и талаб**, **адаб-и талаб** ва **ҳусн-и суол** ҳам дерлар" [1.255].

Илми бадиъга оид ўзига қадар ёзилган китобларни жуда чуқур ўргангани учун Атоуллоҳ Ҳусайний қарашлардаги фарқларни ҳам қайд этади. Жумладан, **илтифот** санъати ҳақида сўз юритаркан: **"Талхис"** соҳиби илтифотни зотий гўзалликлардин деб билиптур, **"Тибён"** соҳиби оризий гўзалликлардин деб билиптур, **"Мифтоҳ"** соҳиби эса ҳар иккисига киритиптур" [1.184], – деб ёзади. Кўриб турганимиздек, зикр этилган китоб муаллифлари илтифот санъатининг табиати ҳақида якдил фикрда эмаслар: бирлари уни зотий гўзаллик (яъни "балоғат илми" – риторика объекти) деб ҳисобласалар, бошқалари оризий гўзаллик (яъни илми бадиъ объекти) санайди, учинчилари ҳар иккисига тааллуқли деб билади. Шунга ўхшаш, Атоуллоҳ Ҳусайний манбаларда бадиий санъатларнинг даражаланиши, турли навлари масаласида ҳам қарашлар турличалигини қайд этади. Жумладан, унинг ўзи **ирсол-ул масал** ва **ирсол-ул масалайн** санъатларини фарқлайди: биринчиси байтга битта мақолни, иккинчиси иккита мақолни киритиш натижасида юзага келади деб изоҳлайди. Айни пайтда, холислик билан қайд этадики: "Тибён" соҳиби икки санъатни бир деб билиптур ва дептурким, иродул масал улдурким, сўзлагучи ўз каломинда бир масал келтиргай ё икки масал" [1.136].

"Бадойиъ-ус санойиъ"даги бунақа ўринларга яна

кўплаб мисол келтириш мумкин. Бироқ бунга зарурат йўқ деб ўйлаймиз, чунки шуларнинг ўзи ҳам илми бадиъга оид манбалардаги турличалик ҳақида етарли тасаввур беради. Бу ўринда бизни кўпроқ бошқа нарса, яъни айни ҳолнинг илмиъ бадиъга оид ҳозирги кунда яратилаётган асарларда такрорланаётгани қизиқтиради. Биз бу хулосага сўнгги йилларда эълон қилинган Т.Бобоев [2], А.Хожиаҳмедов [3,4], В.Раҳмонов [5] ва Ё.Исҳоқов [6]ларнинг асарларини қиёсий ўрганиш асосида келдик.

Аввало, мазкур китобларда келтирилган санъатлар сони турлича: Т.Бобоев китобининг "Шеър санъатлари" бўлимида 20 та санъатга тўхталса, А.Хожиаҳмедов 48 та санъатга изоҳ беради; В.Раҳмоновда – 68 (қофия санъатлари билан бирга) та, Ё.Исҳоқов сўзлигидан эса 45 та номдаги бадиий санъат изоҳланган (битта санъатнинг турли навлари ва фақат номларини зикр этиш билан чекланилган санъатлар саноққа киритилмади). Фақат 17 та санъатгина бу китобларнинг ҳаммасига киритилган бўлиб, булар: истиора, ийҳом, интоқ, ирсоли масал, иштиқоқ, муболаға, ружу, тажнис, тажоҳули ориф, тазод, талмеҳ, тансиқ ус-сифот, тарсиъ, ташбеҳ, ташхис ва ҳусни таълил санъатларидир. Тўғри, китобларга киритилган санъатлар сони у қадар катта аҳамиятга эга эмас дейиш мумкиндир. Лекин ушбу китоблар ўқув адабиёти характерида экани эътиборга олинса, энг оммалашган санъатларни муаллифларнинг ҳаммалари қамраб олишга интилган дейиш учун асос етарли. Ҳолбуки, Ё.Исҳоқовнинг таъкидлашича, мумтоз шеъриятимизда қўлланган бадиий санъат ва усуллар адади икки юздан ортади [6.13]. Табиий бир савол туғилади: нима учун мазкур китоблар мавжуд санъатларнинг тақрибан ярминигина қамраб олмоқда?

Атоуллоҳ Ҳусайний китобнинг бошида арузга тўхталади-да, санъатлар ҳақидаги сўзни мухтасар "тамҳид" – умумий тушунча беришдан бошлайди: "... билгилким, арабнинг фасоҳату балоғат аҳли нутқ гўзалликларин икки навъ деб билиптурлар. Биринчи навъи зотий гўзалликлардурким, дилбарларнинг табиий ҳусни янглиғдур ва иккинчи навъи оризий гўзалликлардурким, алардаги кўрсатма безаклар сингаридур. Биринчи навъининг баёнини "балоғат илми" дерлар ва баҳсларининг кўплиғи сабабидин ани икки илм қилуптурлар. Бири маъоний илми ва иккинчиси баён илмидур. Иккинчи навъини балоғатқа тобиъ дерлар ва баҳсларининг балоғат илмига нисбатан озлиғи сабабидин ани бир илм қилиптурлар. Ул бадиъ илмидур" [1.34].

Кўряпмизки, Атоуллоҳ Ҳусайний бадиъ илми балоғат илмига тобиъ демоқда, яъни, агар балоғат илми умуман нутқни ўрганса, бадиъ илми нутқнинг безакларини ўрганади. Бошқача айтсак, умуман нутқ билан бадиий нутқ ўзаро бутун қисм муносабати билан боғлангани каби, балоғат ва бадиъ илмлари ҳам ўзаро бутун-қисм алоқасидадир. Бу ўринда олим таъкидлаётган яна бир муҳим нуқта – бадиъ илми "баҳсларининг балоғат илмига нисбатан озлиги". Бу ғоят тўғри ҳукм. Зеро, бадиий нутқда умуман нутққа хос қонуниятлар тўла амал қилади, айни чоқда муайян вазифага хосланган нутқ сифатида унинг ўзигагина хос жиҳатлар мавжудки, илми бадиънинг объекти айни шулар ва шу боис ҳам "баҳслари балоғат илмига нисбатан оз"дир. Бироқ олим илми бадиъ объектини аниқ белгилагани билан, рисолада ушбу тамойилдан чекинади ва унинг баҳслари доирасини кенгайтириб юборади. Масалан, лафзию маънавий санъатлар қаторида саналган ҳусни ибтидо (ҳусни матлаъ), ҳусни интиҳо (ҳусни мақта), ҳусни тахаллус санъатларини олайлик. Нутқни қандай бошлашу қандай якунлаш, ибтидоси билан интиҳосини изчил боғлаш масалалари умуман балоғат илмининг, хусусан, унинг узви бўлмиш илми баённинг объекти. Негаки, мазкур санъатлар "нутқ безаклари" билан эмас, балки умуман нутқ қурилиши, баён композицияси билан боғлиқ тушунчалардир.

Шу ўринда илмиъ бадиъда "нутқ безаги" тушунчасига анча кенг маъно берилганини қайд этмоқ лозим. Масалан, "Бадойиъ-ус санойиъ"да ўқиймиз: "Каломи жомиъ андоғ каломдурким, ўгут, ҳикмат ва замону биродарлардан шикоят киби бир нима била шираю зеб берилган бўлур" [1.136]. Гарчи таърифда "шираю зеб бериш" дейилса ҳам, аслида "шира бериш" билан чекланилмоқда. Зеро, бу ерда гап бирон бир бадиий усул ҳақида эмас, балки мавзу ҳақида бормоқда, яъни каломи жомиъ юқоридаги санъатлар каби илми балоғадан тўғридан-тўғри бадиъга кўчирилмоқда. Фикримизни изоҳлаш учун каломи жомиъ билан, масалан, ирсолул масални қиёслаб кўрайлик. Ирсолул масал – маънони чуқурлаштириш учун байтда мақол келтириш санъати. Яъни шоир ўз фикрини ёрқинроқ ифодалаш, тасдиқлаш, далиллаш каби мақсадларда ушбу усулдан фойдаланади. Натижада каломга ҳам "зеб", ҳам "шира" берилган бўлади – ифода гўзаллашиб, мазмун бойийди. Шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ирсолул масалга маънавий санъат, нутқни мазмунан бойитувчи бадиий усул сифатида қараш асосли, каломи жомиъга нисбатан эса бундай деб бўлмайди.

Демак, аён бўляптики, илми бадиъга оид ўтмиш манбаларида, хусусан, "Бадойиъ-ус санойиъ"да нутқ безаклари ҳақидагина эмас, балки умуман нутқ билан боғлиқ масалалардан ҳам сўз юритилади ва кўп ҳолларда "нутқ безаги" санаб бўлмайдиган усул ва воситалар ҳам бадиий санъат сифатида тақдим этилади. Табиийки, ҳозирда бадиий санъатлардан баҳс этувчи рисола ё қўлланма ёзишга киришган

муаллифлар масалага бугунги адабий-назарий тафаккур нуқтаи назаридан қарайдилар. Шу сабабли ўз китобларига кўпроқ "бадиий санъат" тушунчасига тўғри келадиган санъатларни киритадиларки, натижада: **биринчидан**, ўтмиш манбаларида кўрсатилган қатор санъатлар ташқарида қолади; **иккинчидан**, ҳар бир муаллифнинг масалага ўз қараши борки, китобларда берилган санъатлар сони ва таркиби жиҳатидан фарқланади.

Юқорида айтилдики, "Шеър санъатлари"да В.Раҳмонов бошқаларга қараганда кўпроқ санъатларга изоҳ беради. Жумладан, бир қатор санъатларга фақат шу муаллиф тўхталган*: муламмаъ, тадбиҳ, тақсир, ҳусни ибтидо, тартиб, ийҳоми зулвужуҳ, ҳусни талаб, тафреъ, таъриз, таҳдис, муғолата, мулоқот, мухтамил аз зиддайн, истифҳом, тажзия, таштир, тасбе, тадвир, тасдир, акс, қайтариқ, музораа, илтизом, нидо, ҳожиб, радиф.

Биз бу ўринда В.Раҳмонов китобидаги санъатлар сонини орттирган омилларга эътборни қаратмоқчимиз. Аввало, зикр этилган санъатлардан **ҳусни ибтидо**нинг баён билан боғлиқлигини юқорида айтдик. Худди шу гапни **ҳусни талаб**га нисбатан ҳам айтиш мумкинки, у нутқ безаги эмас, балки кўпроқ нутқ одоби билан боғлиқ талабдир. Шунга ўхшаш, **тартиб** санъати, яъни "воқеа-ҳодисани узвий биринкетинликда, қатъий тартибда ифодалаш" [5.15] ҳам нутқ безаги эмас, гарчи муаллиф уни маънавий санъатлар сирасига қўшса ҳам, ҳақиқатда у шеърнинг композицион қурилиши билан боғлиқдир. Иккинчи омил шуки, манбаларда муайян бир санъатнинг нави сифатида келтирилган санъатларни В.Раҳмонов алоҳида санъат тарзида изоҳлайди. Масалан, Атоуллоҳ Ҳусайний радду-л-ъажз ъала-с-садрнинг навлари сифатида келтирган **тасдир, тасбе, радиф** каби такрор кўринишларини, шунингдек, сажъ кўринишлари қаторида саналган **таштир, тажзия** кабиларни ҳам В.Раҳмонов алоҳида санъатлар деб кўрсатади. Учинчи омил – ўзгача номлаш, мавжуд санъатларни янги ном билан бериш. Жумладан, В.Раҳмонов: "Шоир байтда Муҳаммад алайҳиссаломнинг бебаҳо ҳадисларидан аслича ва таржимада намуна келтирган бўлса, таҳдис санъати қўлланган бўлади. Бунда ҳадис мазмуни тўла ёки қисман келтирилиши мумкин" [5.35], - деб ёзади. Ҳолбуки, Атоуллоҳ Ҳусайний "қуръон ё ҳадисдан бир нимани анинг қуръон ё ҳадисдан олинганиға ишора бўлмаган тарзда каломға киритмакдин ибораттур" [1.242] дея таърифлаган **иқтибос** санъати бор, унга В.Раҳмоновдан бошқа муаллифларнинг ҳаммалари изоҳ берганлар. Таърифлар қиёсланса, иқтибос санъатининг қамрови кенгроқ экани, унинг таҳдисни ҳам қоплаб кетишини кўриш қийин эмас. Шунақа экан, янги номга зарурат борми? Балки бу ўринда иқтибос санъатида манбани кўрсатмаслик шарт қилиниши назарда тутилгандир. Ундай десак, В.Раҳмонов таҳдисга берган таърифининг давомида "айрим шоирлар ҳадислар мазмуни машҳурлиги учун муаллифни эслатиб ўтирмайдилар" [5.35] дейилган. Демак, бизнингча, таҳдис номли санъатни алоҳида қайд этишга зарурат йўқ.

Шунга ўхшаш ҳол, яъни бир-бирига яқин, ҳатто ораларида фарқловчи чегара сезилмайдиган санъатларни алоҳида санъат сифатида тақдим этиш яна такрир ва қайтариқ санъатларига берилган таърифларда ҳам кузатилади. Ушбу санъатларга В.Раҳмонов томонидан берилган таърифларни қиёслаб кўринг: "Шоир байтда бирор сўзни икки ёки уч маротаба қўлласа такрир санъати содир бўлади" [5.46] – "шоир бир сўзни мисранинг боши ва охирида такрорласа, қайтариқ санъатини қўллаган бўлади" [5.49]. Аввало, такрирга берилган таъриф қайтариқни ҳам қоплаб кетади, чунки қайтариқда ҳам байтда битта сўз икки ё уч маротаба қўлланади. Шунақа экан, табиий савол туғилади: қайтариқ такрирнинг хусусий кўринишими? Яъни, агар такрир умуман сўз такрори бўлса, қайтариқ ўрни қатъий белгиланган (мисра боши ва охирида) такрирми? Лекин муаллиф бу саволларни очиқ қолдиради, иккаласини ҳам мустақил санъат сифатида талқин қилади. Иккинчидан, В.Раҳмонов "қайтариқ" деб янгича номлаётган санъат илми бадиъда радду-л-ъажз ъала-с-садр деб юритилувчи санъатдан ўзга эмас. Атоуллоҳ Ҳусайний ушбу санъатнинг сўзнинг қайтарилиш ўрни ва қайтарилаётган сўз табиати (айни бир сўз, тажнис, иштиқоқ, шибҳи иштиқоқ)га кўра ўн олти навъи борлигини қайд этадики, В.Раҳмонов қайтариққа келтирган мисоллар шу навъларнинг бирига, асосан, тўғри келади. Тўғри, Атоуллоҳ Ҳусайний "радд луғатта қайтармоқдир" дейдики, В.Раҳмонов терминни ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилганмикан деган андиша ҳам келади. Лекин олимнинг "мулоқот" санъатига берган изоҳи билан танишгач, бу андиша чекинади. В.Раҳмонов фикрича, "Шарқ мумтоз адабиётида асосан ғазал жанрининг гуллаб-яшнагани, жанр сифатида савол-жавоб, суҳбатга асосланган драма ёки комедиянинг йўқлиги мулоқот санъатининг яратилишига асос бўлган" [5.36]. Албатта, ҳаётни бадиий акс эттиришда диалогнинг бениҳоя катта аҳамиятга эгалиги ҳозирда барчага аён ҳақиқат ва ҳеч бир исботга муҳтож эмас. Шу жиҳатдан олимнинг фикрига қўшилиш, "шеърда – унинг ҳар бир байтида мулоқот кўрсаткичи бўлган савол ва жавобдан фойдаланиш" [5.36]ни тақозо этадиган мулоқот санъати ижо-

* бу ўринда Ё.Исҳоқов, А.Ҳожиаҳмедов ва В.Раҳмоновнинг луғат типидаги китоблари қиёсланмоқда.

дий зарурат туфайли юзага келган дейиш мумкин. Бироқ бошқа жиҳати эътироз уйғотади: айни санъат илми бадиъда саволу жавоб номи билан юритилган-ку?! Қолаверса, В.Раҳмоновнинг ўзи ҳам саволу жавобга алоҳида санъат сифатида изоҳ берган. Лекин, унинг фикрича "мулоқот санъати яратилишига хизмат қиладиган саволу жавоб санъати тасодифий байтларда учраб турадиган ҳодиса эди" [5.36]. Ҳолбуки, Атоуллоҳ Ҳусайний "баъзан ажам шуароси қасиданинг бошидан охиригача бу санъатни риоя қилурлар" [1.189] дея шоҳидлик беради.

Кўряпмизки, В.Раҳмонов масалага адабиёт тараққиётининг кейинги даврлари нуқтаи назаридан қараб, янги номдаги санъатни фарқламоқда. Ҳақиқатан, шеъриятимизнинг кейинги босқичларида лирикага хос монологик нутқ ичида диалог салмоғининг ортиб боргани бор гап. Олим мисолга олган Огаҳийдан, Фурқат, Ҳамза, Чўлпон каби шоирлар меросидан, ҳозирги шеъриятдан бунга исталганча мисоллар келтириш мумкин. Лекин гап бунда эмас. Гап шундаки, ҳозир бадиий санъатлар ҳақида сўз борганда, кўпинча, масалага диахрония ва синхрония аспектидаги ёндашувлар қоришиқлиги кузатилаётир. Бу нарса санъатларга берилаётган таърифларда ҳам, уларни таснифлаш ёхуд мисоллар келтиришда ҳам кузатиладики, мазкур ҳолат биргина В.Раҳмоновга эмас, бошқаларга ҳам у ёки бу даражада хосдир. Илми бадиъга оид манбаларда қайд этилган санъатларни тўғридан-тўғри ҳозирги шеъриятга татбиқ этиш, замонавий шеърият поэтикасига мослаб талқин қилиш ёки бугунги шеъриятдан олинган мисоллар орқали шарҳлаш ҳоллари шундай дейишга асос беради. Модомики, саноиъ бадиъ илми билан боғлиқ тушунча экан, бизнингча, уларни синхрония аспектида, яъни ўша санъатлар шаклланган ва уларни тизимга солган ҳолда қоидаларини ишлаб чиққан бадиъ илми (яъни, норматив поэтика) амал қилган давр чегарасида олиб қараш тўғри бўлади. Умуман олганда, ҳозирда айни шундай ёндашув устувор, шу сабаб бадиий санъатларга оид китоблар аксар луғат типида қурилмоқда. Бироқ сийрак бўлса-да учраб турувчи чекиниш ҳоллари юқоридаги каби чалкашликларни келтириб чиқараётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Юқорида айтдикки, ҳозир таълим тизимида санъатларни ўрганишга эътибор кучли. Шу жиҳатдан қарасак, бугун яратилаётган илми бадиъга оид китоблардан, луғат типида ё қўлланма сифатида ёзилганидан қатъи назар, энг аввал ўқув адабиёти сифатида фойдаланилаётгани табиий. Айни ҳол эса уларда мавжуд турличаликларни бартараф этиш заруратини янада долзарб этади. Буни юқорида китобларга киритилган санъатлар сони ва таркибидаги турличалик ҳақида билдирилган фикрлар ҳам асослайди. Турличаликнинг яна бир кўринишини, санъатларнинг номланиши ва ёзилишидаги фарқлар келтириб чиқаради. Масалан, кўпинча битта санъат араб тилидаги бир сўзнинг турли шакллари билан аталади: интоқ – ниқто, тадбиҳ – ибҳом, талмиъ – муламмаъ, тавшиҳ – мувашшаҳ; баъзан эса арабча истилоҳ ўзбекчага алмаштирилади: радд ул ажуз ал ас садр – қайтариқ – қайтариш санъати. Шунга ўхшаш, арабча номланган санъатларнинг кирилл ёзувига ўтказишда ҳам турличалик юзага келади. Ҳолатни ёрқинроқ тасаввур қилиш учун битта санъатнинг ёзилишидаги турличаликларни жадвалда кўрсатиб ўтамиз:

А.Ҳожиаҳмедов	**В.Раҳмон**	**Ё.Исҳоқов**
Ийҳом	Ийҳом	Иҳом
Тажоҳули ориф	Тажоҳули орифона	Тажоҳул-ул-ориф
Радди матлаъ	Радди матлаъ	Радд ул-матлаъ
Ружуъ	Ружуъ	Ружўъ
Тарду акс	Тарди акс	Тарди акс
Тансиқ ас-сифат	Тансиқ ас сифат	Тансиқ ус-сифот
Таносуб	Таносиб	-
Талмиҳ	Талмиҳ	Талмеҳ
Тарсиъ	Тарсеъ	Тарсеъ
-	Тавзиъ	Тавзеъ

Эҳтимол, биз урғулаб кўрсатаётган мазкур турличаликлар бир қарашда арзимасдек кўринар. Лекин ушбу китоблардан ўқув адабиёти сифатида фойдаланилиши эътиборга олинса, бу ҳол ўқувчиларни қийин аҳволга солиб қўйиши, ўрни келганда уларнинг билимларини объектив баҳолашга ҳалақит бериши мумкинлигини англаш қийин эмас.

Айтиш керакки, биз бунгача тўхталган турличаликларга бирмунча ён берган ҳолда жузъий деб қараш мумкин эди. Бироқ санъатларга берилган таърифлар – санъатларнинг назарий тавсифидаги турличаликка, аминмизки, бундай қараб бўлмайди. Афсуски, бунақа турличаликлар анчагина бўлиб, биз мисолга олган китобларни илми бадига оид эски манбаларга қиёслаганда ҳам, ўзаро қиёслаганда ҳам яққол кўзга ташланади.

Масалан, А.Ҳожиаҳмедов китобида муқобалага берилган таъриф тазодга берилган таърифдан деярли фарқ қилмайди. Қиёсланг:

“**Муқобала** “қарши келиш” маъносини ифодалайди ва шеър байтларида бир-бирига зид тушунчаларни англатувчи сўзларни келтириб улар воситасида муайян бир ғоя, фикрни таъсирчан ифодалаш санъати саналади” [3.57].

“Тазод сўзи “зид қўйиш”, “қаршилантириш” маъноларини ифодалайди. Шу сўз билан аталувчи шеърий санъат эса байтда маъно жиҳатидан ўзаро зид, қарама-қарши бўлган сўзларни қўллаб, таъсирчан бадиий тимсоллар, лавҳалар яратишни назарда тутади” [3.83].

Кўриб турганимиздек, агар А.Ҳожиаҳмедов китобида муқобаланинг маънавий, тазодни лафзий санъатлар сирасида изоҳлангани айтилмаса, бошқа фарқ йўқ. Шунинг учун ҳам биргина қуйидаги байтнинг ўзи ҳар икки санъатга мисол тариқасида келтирилган:

Заҳри хажрини берур ҳар дам манга у васлининг
Нўшини инъом этар бисёр мендин ўзгага. [3.57,83]

Кўряпмизки, А.Ҳожиаҳмедов талқинида муқобала ва тазод санъатлари моҳиятан бир нарса. Ҳамкасбидан фарқли ўлароқ, В.Раҳмонов бу икки санъатни фарқлайди ва муқобаланинг моҳиятини “қаторлаштириб, саф торттириб қаршилантириш” [5.26] деб таърифлайди. Яъни тазодда битта сўз жуфтлиги қаршилантирилса, муқобалада икки ёки ундан ортиқ жуфтликдаги зидланган сўзлар бўлади. Демак, В.Раҳмонов бу икки санъатни фарқлаётган бўлса ҳам, ҳақиқатда уларни битта санъатнинг турли нави, даражаси сифатида талқин қилади ва иккисини ҳам лафзию маънавий санъат деб ҳисоблайди. Ҳолбуки, илми бадиъда бу санъатлар чиндан-да фарқланган ва шунга мос тарзда изоҳланган. Жумладан, Атоуллоҳ Ҳусайний муқобаланинг “Мифтоҳу-л-ъулум”да берилган таърифини келтиради: “муқобала улдурким, икки ёки андин ортиқ мувофиқ ва аларға зид, яъни муқобил ниманинг зикрин жамъ қилурсен” [1.231]. Яъни бу ўринда гап шунчаки икки ёки ундан ортиқ тазодни “саф торттириб қаршилантириш” ҳақида бораётгани йўқ: аввал икки ёки ундан ортиқ мувофиқ (яъни, маънода таносубдаги каби бир-бирига мос) сўзни келтириш, сўнг маънода бу сўзларга зид бўлган икки ёки ундан ортиқ мувофиқни қарши қўйиш шарт қилинмоқда. Шу боис Атоуллоҳ Ҳусайний биринчи мисрадаги **қаҳр ва душман** мувофиқ жуфтлиги иккинчи мисрадаги **лутф ва дўст** мувофиқ жуфтлигига қаршилантирилган байтни мисол қилади. Демак, муаллифлар муқобаланинг анъанавий таърифларига етарли эътибор қилмаган кўринадиларки, натижада у билан тазод орасидаги фарқ йўққа чиқиб, муқобала санъатини алоҳида кўрсатиш ортиқчадек тасаввур ҳосил бўлиб қолган.

Айрим ҳоллар борки, унда анъанавий таърифларнинг ўзи турличаликка йўл очади ва, энг муҳими, бундай турличаликнинг объектив асоси ҳам бор. Ё.Исҳоқовнинг санъатлар алифбо тартибида жойлаштирилган “Сўз санъати сўзлиги” китобида энг аввал ақд санъатига изоҳ берилган: “Насрни назмга айлантириш санъати ақд дейилади” [6.15]. Олимнинг тушунтиришига кўра, кўпинча мақол мазмуни шеърга олиб кирилади, бунда мақолнинг “мазмуни сезилиб турса-да, унинг шакли шеърий вазн талабларига мослашган ҳолда янгича қиёфа касб этади, аниқроғи, у шеърга айланади” [6.15]. Шу китобида ирсоли масал санъатини изоҳларкан, Ё.Исҳоқов масални келтиришнинг уч хил йўли борлигини айтиб, учинчисида: “Мақол ёки маталнинг мазмуни сақланган ҳолда, унинг шакли бироз ўзгартирилади ёхуд шеърий вазн талаби билан янгича шаклда ифодаланади” [6.20], – деб ёзади. Кўриб турганимиздек, бу ўринда ақд ва ирсоли масал санъатлари фарқланмай қолаётир. Энг қизиғи, “Бадойиъ ус-санойиъ”да ҳам ақдга мисол тариқасида мақол мазмуни шеърга солинган байт келтирилган. Шунингдек, Ё.Исҳоқов таърифи Атоуллоҳ Ҳусайний таърифи билан бир хил: “насрни назмга айлантириш” [6.15] – “сочма каломни тизма қилмоқ” [1.244]. Яъни мазкур санъатнинг талқинида ҳам, унга мисол келтиришда ҳам Ё.Исҳоқов анъанага содиқ қолади. Бироқ иккала муаллиф ҳам ақд масални шеърга айлантириш билан чекланади демаганлари ҳолда, мисолларни ўқигач, ўқувчида шундай тушунча ҳосил бўлади. Ҳолбуки, ақд нафақат мақолни, умуман ҳар қандай насрни назмга айлантиришни кўзда тутади, фақат муаллифлар сочмани тизмага айлантиришнинг энг оммалашган кўриниши – мақол мазмунини шеърга солишни мисол қилиб олганлар. Нима бўлганда ҳам, анъанавий таърифларнинг ўзида ақд ва ирсолу масал санъатлари кесишган нуқталар бор эканки, шу нарса юқоридаги ҳолни келтириб чиқаради. Бироқ бу масаланинг чалкашлиги шунинг ўзи билан ниҳояланмайди, чунки талмиҳга берилган таърифлар ҳам ақд ва ирсолу масал санъатлари билан айни шу нуқтада туташади. Жумладан, А.Ҳожиаҳмедов таърифига кўра “Талмеҳ шеър ёки насрда машҳур тарихий воқеалар, афсоналар, адабий асарлар ёки мақолларга ишора қилмоқ санъатидир” [3.41. Айтиш керакки, А.Ҳожиаҳмедов талмеҳни изоҳлашда анъанавий йўлдан борган. Зеро, “Бадойиъ ус-санойиъ”да ҳам ушбу санъат “каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмактин иборатдур” [1.133] дея таърифланган. Айни пайт-

да Атоуллоҳ Ҳусайний “Изоҳ” ва “Тибён” соҳиблари мақолға ишоратни талмиҳқа киритмаптурлар” [1.134] деб айтади. Демак, талмеҳ таърифларидаги ихтилоф қадимдан, анъанавий равишда мавжуд экан. Ушбу масалада мухолиф томон анъаналарининг давоми сифатида В.Раҳмонов талмеҳга “мақолға ишорат”ни киритмайди: “шоир қаҳрамон сиймосини гавдалантиришда уни ўтмишдаги машҳур адабий, диний ёки тарихий қаҳрамонлар билан қиёслайди, ўхшатади; гоҳо ўша ўтмиш қаҳрамонлари исми-шарифлари айтилмай, улар билан боғлиқ воқеалар эсга олиниши ҳам мумкин. Ҳар икки ҳолда ҳам талмиҳ санъати содир бўлади” [5.23]. Кўриб турганимиздек, санъатлар талқинидаги турличалик анъанаси ҳозирда ҳам давом этиб келаётирки, албатта, бунга объектив асос бор. У ҳам бўлса, мақол ирсоли масал учун асосий объект, ақд учун нутқий қайта шакллантириш, талмеҳ учун эса ишора объектларидан бири эканлиги билан изоҳланади. Яъни байтда мақол келтирилганининг ўзи ирсолу масални, насрдаги мақолнинг назмга солиб берилгани ақдни, таниб оларлик даражадаги излари орқали мақолга ишора қилингани ва шу асосда маъно диапазонининг кенгайтирилаётгани талмеҳни юзага келтиради. Шунга қарамай, илм терминологик аниқликни ҳуш кўриши ва амалий томонларини кўзда тутиб, назарий тавсифларни умумий маҳражга келтириш даркор. Табиийки, бунда ирсоли масал моҳиятан мақол билан боғлиқлиги эътиборга олинса, яъни мақол айнан келтириладими ё ўзгартириб, шеърга солинадими ва ё ишора билан кифояланиладими – қатъи назар, мазкур ҳолларнинг барини ирсоли масал сифатида тавсифлаш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Кўп ҳолларда эса анъанавий таърифлардаги нозик нуқталарни назардан қочириш санъат моҳиятининг чала тушунилишига олиб боради. Шундай ҳол, масалан, такрир санъатига берилган таърифларда кузатилади. В.Раҳмонов ушбу санъатга “Шоир байтда бирор сўзни икки ёки уч маротаба қўлласа, такрир санъати содир бўлади” [5.46] дея жўнгина изоҳлайди. А.Ҳожиаҳмедов таърифи ҳам шунга яқин: “**Такрир** “такрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллашни назарда тутади” [3.100]. Иккала муаллиф ҳам такрирни лафзий санъат ҳисоблагани учун ҳар қандай сўз такрорини такрир деб билади. Ҳолбуки, “Бадойиъ ус-санойиъ”да такрир маънавий санъатлар сирасида берилган ва унинг таърифи бундай: “**Такрир**. Ани **такрор** ҳам дерлар ва ул маънонинг такрири, яъни ани муқаррару муҳаққақ қилмоқ янглиғ нукта учун лафзни такрорламоқтин ибораттур” [1.172]. Кўряпмизки, бунда сўз такрори эмас, балки маъно такрорига урғу берилмоқда. Яъни, кенгроқ қарасак, бир маънонинг таъкиди тасдиғи учун айнан бир сўз эмас, унинг маънодоши такрорланса ҳам такрир санъати юзага келаверади. Бизнингча, айни шу нарса такрирни маънавий санъат ҳисоблашга изн беради. Атоуллоҳ Ҳусайний мисол тариқасида келтирган байтларга диққат қилинса бу даъвомиз асосли эканлиги аён бўлади:

Ҳар ки каж бозад назар бо маҳвашам,
Мекушам аз тири охаш мекушам.

Академик А.Рустамовнинг сўзма-сўз таржимасида ушбу байтнинг маъноси бундай: “Кимки менинг маҳвашим билан эгринча кўз уриштирса, уни ўлдираман, оҳим ўқи билан ўлдираман” [1.361]. Бу ўринда сўз шунчаки эмас, балки маънони кучайтириб, таъкидлаб такрорламоқда. Яъни санъатни лафз такрори эмас, маъно такрори юзага келтиряпти ва шу жиҳатдан унинг маънавий санъат ҳисобланиши асослидир. Атоуллоҳ Ҳусайний такрирдан кўзланувчи мақсадларни санаган ҳолда ҳар бирига мисол келтиради-да, лафзни “истиъзоб, яъни такрорланган ниманинг зикридан роҳатланмоғу лаззатланмоқ” учун такрорлашга қуйидаги мисолни келтиради:

Ҳабиб омад, ҳабиб, эй дил, башорат,
Ки хоҳад бурд ҳуш аз мо ба ғорат.

А.Рустамов берган сўзма-сўз таржима: “Ёр келди, ёр, эй кўнгил, башорат: ғорат қилиб, бизнинг ҳушимизни олиб кетмоқчи” [1.361]. Дарҳақиқат, бу ўринда “ёр” сўзининг такрори ошиқнинг “роҳатланмоғию лаззатланмоғи”га сабаб бўлаётгани, бу эса лирик қаҳрамон кўнглидаги туйғуларни ёркинроқ ифодалашга хизмат қилаётганини сезиш қийин эмас. Шу боис Атоуллоҳ Ҳусайний буни маъно такрори деб ҳисобламоқда. Бироқ холислик ҳаққи у: “Тибён” соҳиби бу навъни тардид дерлар, дептур. Тардиднинг зикри лафзий санъатларда кечди” [1.173], – дея қайд этади. Лафзий санъатлар бобида эса тардидга “бир мисра ёки жумладаги сўзни бир нарсага алоқадор қилурлар ва яна ани ўшул мисра ёки ўшул жумлада ўзга бир нимага алоқадор этарлар” [1.79] деб таъриф берилган. Ҳақиқатан ҳам, келтирилган байтда “ёр” сўзи биринчи ҳолда “келди”га алоқадор бўлса, иккинчи ҳолда “ғорат қилмоқ” билан “олиб кетмоқ”қа алоқадордир. Яъни бу жиҳатдан қаралса, охирги байтдаги такрир тардидга мос келади. Эътиборга лойиқ жиҳати шуки, Атоуллоҳ Ҳусайний ўзиникини маъқуллаш йўлинигина тутмайди, аксинча, ўзгача қарашларни ҳам қайд этади. Хусусан, у “Тибён” соҳиби такрирнинг икки тури бор, биринчисида лафз айнан такрорланади, иккинчисида маъно такрорланади деб ҳисоблаганини қайд этади. Атоуллоҳ Ҳусай-

нийнинг такрирга берган юқоридаги таърифидан аён бўляптики, у “такрир” номи билан юритилувчи санъат доирасини маъно такрори билан чегаралаб, такрорнинг хусусий кўринишларини бир-биридан фарқлаш (такрир, тардид, мукаррар ва бошқалар), тартибга солишга ҳаракат қилади. Бу эса олим илми бадиъ доирасида долзарб бўлиб турган муаммони ҳис қилгани, уни ҳал қилишга интилганидан дарак беради. Бироқ унинг бу борадаги ҳаракати, бизнингча, олимнинг ўз даври илмий баён услуби, илмий этикаси доирасидан чиқмагани туфайли исталган самарани бермайди. Сабаби, олимнинг илмий баён йўсини шундай: у муайян масала бўйича ўз қараши ёки ўзига мақбул бўлган ўзгалар қарашини ифодалайди, сўнг эса шу масала бўйича ўзгача қарашларни қайд этади ва шунинг ўзи билан чекланади. Афсуски, орадан беш юз йилдан зиёд вақт ўтганига қарамай ўша муаммо ҳамон ечилган эмас.

Айтмоқчимизки, илми бадиъга оид энг мўътабар манбаларга суянган ҳолда ушбу масалани бугунги адабий назарий тафаккур нуқтаи назаридан ҳал қилиш фурсати аллақачон етгандир. Агар шу иш амалга оширилса, масалан, поэтик нутқдаги такрорларнинг барча кўринишлари назарий жиҳатдан тавсифланиб, мавжуд турличаликлар барҳам топади. Бундан эса, ҳамма, энг аввал бугун таҳсил олаётган ёш авлод ютади, демак, бу ишни амалга ошириш билан эртага мумтоз шеъриятимизга муносабат қандай бўлишини маълум даражада белгилаган бўламиз.

Адабиётлар:

1. Атоуллоҳ Ҳусайний. Бдойиъу-с-санойиъ.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1981
2. Бобоев Т. Шеър илми таълими.- Т.: Ўқитувчи, 1996
3. Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия.- Т.: Шарқ,1998
4. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати.- Т.: Шарқ,1999
5. Раҳмонов В. Шеър санъатлари.- Т.: Ёзувчи, 2001
6. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги.- Т.: Зарқалам, 2006

Андижон давлат университети
2011 йил 6 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Д.Қуронов)